

АБУ АЛИ ИБН СИНО ҚУШ ҲАҚИДАГИ РИСОЛАСИННИГ МОХИЯТИ ВА ТАСВВУФИЙ ГОЯЛАРНИНГ РИВОЖИГА ТАЪСИРИ

Наврӯзова Гулчехра Неъматовна

Бухоро мухандислик-технология институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси профессори,
фалсафа фанлари доктор (Бухоро, Ўзбекистон)

Аннотация:

Маколада комусий олим Абу Али ибн Сино (980-18-июн Бухоро, Афшона - 1037-16-август Ҳамадон) нинг “Рисола ут-тайр”-“Қуш ҳақидаги рисола” асарининг моҳияти таҳлил этилган. Бу рисоланинг Абу Ҳомид Ғаззолий, Аҳмад Ғаззолий, Фаридуддин Аттор, Алишер Навоийларнинг қуш ҳақидаги асарларига таъсири ҳамда тасаввуф таълимотининг такомилидаги ўрни асослаб берилган.

Таянч иборалар:

Абу Али ибн Сино, “Рисола ут-тайр”, қуш, рух, нафс, ўзликни англаш, камолот босқчлари, тасаввуф, комиллик, мукамаллик.

Суть трактата Абу Али ибн Сины о птице и его влиянии на развитие суфийских идей

Аннотации:

В статье анализируется сущность трактата «Рисола ут-тайр» - «Трактат о птицах» энциклопедиста Абу Али ибн Сино (980-18 июня, Бухара, Афшона - 1037-16 августа, Ҳамадон). Обосновано влияние этого трактата на произведения Абу Ҳамида аль-Газали, Ахмада аль-Газали, Фаридуддина Аттара, Алишера Навои о птицах, а также его роль в развитии суфийских учений.

Ключевые слова:

Абу Али ибн Сина, «Трактат о птицах», птица, дух, нафс, самосознание, стадии совершенствования, суфизм, усовершенствованный, совершенство.

The essence of Abu Ali ibn Sina's treatise on the bird and its influence on the development of Sufi ideas

The summary:

The article analyzes the essence of the treatise "Risola ut-tair" - "Treatise on birds" by the encyclopedist Abu Ali ibn Sino (June 980-18, Bukhara, Afshona - August 1037-16, Hamadon). The influence of this treatise on the works of Abu Hamid al-Ghazali, Ahmad al-Ghazali, Fariduddin Attar, Alisher Navoi about birds, as well as its role in the development of Sufi teachings is substantiated.

Keywords:

Abu Ali ibn Sina, “Treatise on birds”, bird, spirit, nafs, self-awareness, stages of cultivation, Sufism, perfected, perfection.

Бутун жаҳон тан олган, Фарбда Авиценна номи билан машхур Ўрта Осиёни етти иқлимга танитган буюқ қомусий олим Абу Али ибн Сино¹ (980-йил 18-июн Бухоро, Афшона, 1037-16-август Ҳамадон) жуда кўп асарлари қаторида “Рисола ут-тайр” - “Қуш ҳакида рисола” ёзган. Бу рисолани араб тилидан Абдусодик Ирисов “Қуш ҳикояти” номи билан ўзбек тилига таржима этиб, “Шарқ юлдузи журналига нашр эттирган.² Рисола мўъжаз кичик ҳажмда бўлсада, инсон камолоти ва ўзлигини англашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги учун тасаввуф таълимотига кучли таъсир этган ва Ибн Синонинг бу асаридағи күш образи тимсолида қатор асарлар ёзилган.

Инсон тана, жисм, жасад ва рух, жон аралашмасидан хосил бўлган илоҳий хилқатdir. Тана рухсиз ўлик бўлиб, ҳеч қандай фаолият юрита олмайди. Рух ҳам танасиз Ер юзида фаол эмас аммо танага рух киргандан кейин инсон тирик бўлиб, бутун борлиққа таъсир эта олади. Рухнинг танага кириши билан тананинг хис этиш, майл ва истаклари, эҳтиёжлари вужудга келадики, уни нафс деб атайдилар. Нафс меъерида, зарурий микдорда бўлганида инсонни камолотига ёрдам беради ва унинг изжобий фаолияти учун куч-куват бўлади. Аммо тана нафснинг қулига айланса, рух қўл- оёкларига кишан солиниб, инсон таназзулга учрай бошлайди. Тасаввуфда рух образи қушлар тимсолида берилган. Бундай нодир асарни биринчи бўлиб, ёзган мутафаккир – Абу Али ибн Синодир.

Абу Али ибн Сино “Рисола ут-тайр” асарида воқеани ўз тили билан баён этади. Унинг ёзишича, қушлар гурухи билан учуютганида бир жойда жуда кўп донлар сочилган бўлиб, қушлар бориб уни ейдилар ва овчининг тузоғига илинадилар. Чунки овчи бу донларни сепиб, қушлардек овоз чиқариб уларни ғафлатга қолишига сабабчи бўлган. Буни ҳозирги кун воқеалари билан қиёсласак, жуда кўп ёшлар пул топиш илинжида ақидапараст ва нобакор одамларнинг домига тушиб кул бўлиб, фахш иш қилишга мажбур бўляптилар.

Қушларнинг тузокга тушишини Ибн Сино нафс истакларига берилиш оқибати сифатида баён этмоқда. Қушлар бўйни, қаноти, оёкларига ҳалқалар тушиб, қопқонга қолиб, эркин учолмай оғир ахволда қоладилар. Улар жуда кўп азоб чекиб, тавба-тазаррулар қилиб, кутулиш йўлини излаганлар. Маълум муддат шу ахволда яшашга кўникканлар. Кейин ўзларига ўхшаган қушларнинг кутилгани ва қанот ва бўйинларидағи ҳалқалардан озод бўлиб, оёклардаги ҳалқалар бўлсада парвоз қилаётганларини кўрадилар. Тузоқдаги қушлар улардан ёлвориб сўраб, эркинликка чиқиш йўлини кўрсатишни илтимос қиладилар. Улар бошида ишонмасада, кейин уларга чиқиш йўлини кўрсатадилар. Нафс куткусидан озод бўлиб, Ҳақ йўлига кирган толиблар тимсоли бўлган эркинликдаги қушлар тузоқдаги қушларнинг ҳам бўйин ва қанотдаги ҳалқаларини ечиб, кутулишларига ёрдам берадилар. Озод бўлган қушларнинг ҳам оёкларидаги ҳалқалар қолди. Қушлар бирга парвоз этиб кутилиш йўлини излашди.

Қушлар биргалиқда парвоз этаётганда саккизта баланд тоғ чўққисини кўрадилар. Олтитасидан тез ўтиб, еттинчи тоғ чўққисида дам оладилар. Аммо орқаларидан душманлар келаётганларини сезиб, саккизинчи чўққига томон учадилар. Саккизинчи буқъя, яъни водийда улар жуда муқаммал гўзаллик ва хайру эҳсонни кўрадилар. Ўз ахволларини баён этганларида кейин уларга тоғнинг орқасидаги Подшоҳ олдига боришни тавсия этадилар. Булар Подшоҳ жамолини кўриб, ахволларини баён этадилар. Подшоҳ шундай дейди:

- Оёкларингиздаги тузоқни уни кўйган кишидан бўлак ҳеч ким ечолмайди. Мен уларга элчи юбораман. У элчи сизларни тузоқдан куткаришни овчидан илтимос қилади.

Қушларнинг етти чўққидан учиб ўтиб, саккизинчи буқъага келишини тасаввуфнинг барча тариқатларида мавжуд бўлган камолот йўлининг мақомлари, руҳий юксалиш даражалари билан қиёслаш мумкин. Шунингдек саккизинчи буқъя водийни шариат, тариқат, маърифат босқичларидан ўтиб, хақиқат даражасига камол топганлик дейиш мумкин. Айнан ҳақиқатга етгандан кейин Ҳақ - Оллоҳни жамолини кўра оладилар. Ибн

¹ Болтаев М. Абу Али ибн Сина – великий мыслитель, ученый-энциклопедист средневекового Востоко. Москва: Сампо, 2002. 400 с. Хайруллаев М.М. Абу Али ибн Сино/ Маннавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиллар)// Тўпловчи ва масъуль муҳаррир: М. М. Хайруллаев/. – Тўлдирилган қайта нашр. – Т.: А. Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашр. 2001. – 96-103- б.

² Абу Али ибн Сино. Қуш ҳикояти. Араб тилидан Абдусодик Ирисов таржимаси. Шарқ юлдузу. 2015. №1 86-89-бет.

Сино буни Подшоҳ билан қиёслаб, ўн саккиз минг оламни Малик-ул-Мулк эканлигига ишорат қилмоқда.

Күшларнинг оёғидаги кишан масаласи ва бу унинг каерда кўйилган бўлса, ўша ерда очилиши масаласи инсонни ўзини англаши ва нафсини бошқариб, амморалиқдан тўла кутқариб илохий даражага юксалтириши лозимлиги ва бунинг учун ғафлат майдонидан тўла чиқиб мушоҳада майдонига кириши тимсолида айтилмоқда. Бу ишда ҳар бир қушга ёрдам берувчи икки элчи юборилиши Оллоҳнинг мадади билан юбориладиган пири комиллар масаласидир.

Иbn Синонинг қуш ҳақидаги рисоласи тасаввуф таълимотига кучли таъсир этган. Тадқиқотларимиз натижасида биз қушларга бағишлаб ёзилган Нажмиддин Розий, Абу Ҳомид Ғаззолий, Аҳмад Ғаззолий, Шаҳобиддин Суҳравардий³ Фаридуддин Аттор ва Алишер Навоийнинг қушларга бағишлаб ёзган асарларини қўллэзмаларини топиб уларни қиёсий таҳлил этишга ҳаракат қилдик.

Абдулхолик Ғиждувонийнинг устози, Хожагон ва Яссавия таълимотларнинг раҳнамоси Юсуф Ҳамадонийнинг “Рутбатул хаёт” асари билан биргаликда Нажмиддин Розийнинг “Рисолат ут-туюр” – “Қушлар ҳақида рисола”си қўллэзма ҳолда мавжуд. Бу икки манбани бир китобда тўпланишида рамзий моҳият бор. Бу икки асар ҳам инсон руҳий камолотига бағишлиланган.

Ака-ука Абу Ҳомид ва Аҳмад Ғаззолийларнинг ҳам “Рисолат ут-тайр” асарлари бор. Ёш ва иқтидорли олим Фируз Музаффаров Абу Ҳомид Ғаззолий маънавий меросига оид тадқиқотларида⁴ бу рисолалар борлиги ҳақида фикр билдирган. Шунингдек Шаҳобиддин Суҳравардийнинг ҳам қушларга бағишлиланган асарлари бор. Биз Абу Ҳомид Ғаззолий ғоялари билан Ибн Сино фикрларини қиёсий таҳлил этмоқчимиз.

Абу Ҳомид Ғаззолий (1058-1110) “Рисолат ут-тайр”⁵асарида қушларнинг тўпланишиб ўзларига Подшоҳ излашга қарор қилганлари ва бу мансабга муносиб деб, Қоф тоғининг орқасида яшайдиган тасаввуфда боқийлик ва мутлак борлик рамзи бўлган афсонавий қуш Анқони танлагани ва уни излаб, етти буқъа- водийдан ўтганлари ва Подшоҳни кўриб ўзларига раҳбар этиб сайлаганлари тасвиранганд. Устоз Нажмиддин Комилов ва М. Маҳмудовлар Фаридуддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарини насрой таржимасида Абу Ҳомид Ғаззолий асарига таъсири борлигини қўрсатганлар.⁶ Атторни меросини таҳлил этган Ақмал Саидов ҳам шу фикрларни қўллайди.⁷

Тадқиқотчи ёш олим Муродов Санжар Фаридуддин Аттор ва кейинчалик Алишер Навоийнинг қуш ҳақидаги асарларини ёзилишида Абу Али ибн Синонинг таъсири борлигини алоҳида ўрганиб, далиллар билан асослаган.⁸ Дарҳақиқат, Абу Али ибн Синонинг инсон руҳини қуш тимсолида тасвиrlаб, қушнинг оёғида кишан бўлган нафс устидан ғалаба қилиш ва Симурғ-ўттиз қуш тимсолидаги ҳақиқатга этиб, ўзликни англаш учун барча асарларда етти водий тасвиранганд бўлиб, Аттор уларни талаб, ишқ, илму маърифат, истиғно, тавҳид, ҳайрат, факру фано мақомлари сифатида номлаган.⁹

Файласуф олима Фёдорова Юлия Ибн Сино ва Фаридуддин Атторни Қуш ҳақидаги асарларини қиёслаб, улар қуш тимсолидаги руҳни Аллоҳга томон сафари ҳақида икки хил

³ Бу асарлар нусхаларини топишга холисона ёрдам берган Бухоро давлат университети манбашунос ва таржимон олими Болтаев Абдураимга миннатдорчилик изҳор этамиз.

⁴ Музаффаров Ф. Абу Ҳомид Ғаззолий. Таълимотида инсон камолоти. Бухоро: “Дурдана”, 2011. 51 б.,Музаффаров Ф. Ғаззолий инсонга оид таълимотининг илмий-фалсафий асослари. Тошкент: “Turon zamin ziyo ” 2014. 179 б.

⁵ Имом Ғаззолий. Рисолат ут-тайр (Қуш рисоласи) Раъно Ҳакимжонова таржимаси. Шарқ юлдузи. 2015. №1.90-93-б.

⁶ Фаридуддин Аттор. Мантиқ ут-тайр. Насрий баён. Кириш сўзи ва форсчадан тарж. Н. Комилов., М.Маҳмудов. Т.: Faafur Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи,2006. – 248 б.

⁷ Саидов А., Атторшунослик. Фаридуддин Аттор тафаккури хазиналари.../ А. Саидов; масъул мухаррир М. Кенжабек. – Т.: “Sharq”, 2013. – 384 б.

⁸ Муродов С. А. Ибн Сино, Аттор ва Навоий асарларида қушлар тимсоли. // “Имом ал-Бухорий сабоқлари”, Маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал. Тошкент. 2009 й. №4. Б. 273-276. , Murodov Sanjar. The views of Fariduddin Attar on being.// International journal of applied research.IJAR 2020; 6 (6) . P. 34-36. (№23; SJIF 7, 001)Copernicus)

⁹ Шайх Фаридуддин Аттор. Нишопурий. Мантиқ ут-тайр. /Асрорнома. Форсийдан Жамол Камол таржимаси Масъул мухаррир А. Самад. - Т.: “Tamaddun”, 2012 – 3-156 б.

талқин этганларини фалсафий тилда ёзган.¹⁰ Мақолада Ибн Синонинг “Рисола ут-тайр” асаридаги қушлар сафари ҳақидаги гоялари рухий сафарни фалсафий англаш масаласининг илк асосчиси эканлиги таъкидланган. Фаридуддин Аттор инсон руҳини Оллоҳ томон сафар этишини, Оллоҳни англаш, билишнинг тасаввуфий услубларини бадиий образ орқали баён этган бўлса, Абу Али ибн Сино ўзининг шахсий-рухий тажрибаси орқали ҳақиқатни англашнинг ирратсионал услубини кўрсатган. Ибн Сино шахсий тажрибаси ва Атторнинг бадиий тимсоллар билан Оллоҳни билиш, англаш йўлларини тасаввуфда муҳим аҳамиятга эгадир. Ибн Сино бошлаб берган қушлар сафари – руҳнинг камолот йўли тасаввуфдаги ирротсианал билиш ва ҳақиқатни англаш масалаларини фалсафий таҳлилига ёрдам беради.

Умумий хулоса қилиб қўйидагиларни таъкид этиш мумкин:

1. Тасаввуфда инсон моҳияти ва уни камолот даражасини тадқиқ этишда Абу Али ибн Синонинг “Рисола ут-тайр” асари асосий манба ва биринча қадам сифатида бу масалани ёритган концепция ҳисобланади.

2. “Рисола ут-тайр” асари Абу Али ибн Синонинг ҳақиқатга етишганини исботловчи манбадир ва Ҳаққа етишга оид тасаввуфий билиш йўлларини ёритувчи асосий манбадир.

3. Руҳ қушнинг парвозига тўсиқ бўладиган асосий нарса нафс эканлиги ва уни енгиш инсон камолоти учун зарурлигини Ибн Сино бу рисоласида кўрсатиб ўтган.

4. Ибн Сино асаридаги етти тоғни учеб ўтиш ва саккизинчи энг яхши буқъя-водийга етиш ғояси асосида Имом Фаззолий, Фаридуддин Аттор ва Алишер Навоийлар етти водий – инсон камолоти учун зарурий мақомларни кўрсатгандар.

5. Абу Али ибн Синонинг қушларнинг Подшоҳини жамолини кўриб, камолга етиш ғояси асосида Имом Фаззолийнинг қушларни Анқо билан учрашуви Аттор ва Навоийнинг Симурғ ҳақидаги ғоялари туғилган.

6. Абу Али ибн Сино, Нажмиддин Розий, Абу Ҳомид ва Аҳмад Фаззолий, Шаҳобиддин Суҳравардийларнинг асарларини тўла ўзбек тилига фундаментал таржима ва таҳлил этиш ва уларнинг тасаввуф ғояларига таъсирини илмий ўрганиш биз олимлар олдидаги вазифадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абу Али ибн Сино. Куш ҳикояти. Араб тилидан Абдусодик Ирисов таржимаси. Шарқ юлдузи. 2015. №1 86-89-бет.
2. Болтаев М. Абу Али ибн Сина – великий мыслитель, ученый-энциклопедист средневекового Востоко. Москва: Сампо, 2002. 400 с.
3. Имом Фаззолий. Рисолат ут-тайр (Куш рисоласи) Раъно Ҳакимжонова таржимаси. Шарқ юлдузи. 2015. №1.90-93-б.
4. Музаффаров Ф. Абу Ҳомид Фаззолий. Таълимотида инсон камолоти. Бухоро: “Дурдана”, 2011. 51 б.
5. Музаффаров Ф. Фаззолий инсонга оид таълимотининг илмий-фалсафий асослари. Тошкент: “Turon zamin ziyo” 2014. 179 б.
6. Муродов С. А. Ибн Сино, Аттор ва Навоий асарларида қушлар тимсоли. // “Имом ал-Бухорий сабоқлари”, Маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал. Тошкент. 2009 й. №4. Б. 273-276.
7. Murodov Sanjar. The views of Fariduddin Attar on being.// International journal of applied research.IJAR 2020; 6 (6) . P. 34-36. (№23; SJIF 7, 001)Copernicus
8. Сайдов А., Атторшунослик. Фаридуддин Аттор тафаккури хазиналари.../ А. Сайдов; масъул муҳаррир М. Кенжабек. – Т.: “Sharq”, 2013. – 384 б.
9. Фаридуддин Аттор. Мантиқ ут-тайр. Насрий баён. Кириш сўзи ва форсчадан тарж. Н. Комилов., М.Маҳмудов. Т.: Faafur Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи,2006. – 248 б.

¹⁰ Фёдрова Ю.Е. Ибн Сина и Фарид ад-Дин Аттар: две версии легенды о странствии души- птицы к Богу // Litera / - 2015. - №3. – С. 62-90. DOI: 10. 7256/2409-8698/2015/3.17097 URL: https://nbpublish.Com/library_read_article.php?id=170097

-
10. Фёдорова Ю.Е. Ибн Сина и Фарид ад-Дин Аттар: две версии легенды о странствии души-птицы к Богу // Litera/ - 2015. - №3. - С. 62-90. DOI: 10. 7256/2409-8698/2015/3.17097 URL: https://nbpublish.Com/library_read_article.php?id=170097
 11. Хайруллаев М.М. Абу Али ибн Сино/Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машхур сиймолар, алломалар, адиллар)// Тўпловчи ва масъул мухаррир: М. М. Хайруллаев/. – Тўлдирилган қайта нашр. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашр. 2001. – 96-103- б.
 12. Шайх Фаридуддин Аттор. Нишопурий. Мантиқ ут-тайр. /Асрорнома. Форсийдан Жамол Камол таржимаси Масъул мухаррир А. Самад. - Т.: “Tamaddun”, 2012 3-156 б.